

# **СУРХОНДАРЁ СУР ҚОРАКҮЛ ЗОТЛИ ҚЎЙЛАР ГЕНОФОНДИНИ САҚЛАШ ВА ТИКЛАШНИНГ СЕЛЕКЦИОН-ГЕНЕТИК УСУЛЛАРИ**

**Омонов Маматқобил Исмоилович Термиз давлат университети доценти,  
биология фанлари доктори**

**Анотация:** Мақолада дунё иқлим ўзгаришларининг кескинлашуви ва табиий ландшафтлар бузилиши жаҳон миқёсида уй ва чорва ҳайвон зотлари генофондининг кескин қисқариши ва айрим зотларнинг бутунлай йўқолиб кетишига ҳамда халқаро мўйна бозорида тенгсиз саналган сур, кўк ва қора рангли қоракўл терилари етказиб берувчи қоракўл зотли қўйлар генофонди ва маҳсулдорлигининг пасайишига сабаб бўлаётганлиги келтирилган.

**Калит сўзлар:** генофонд, молекуляр-генетик, бренд, оригинал, морфо-биологик, линия, крос, пигмент, гомоген, гетероген, завод типи.

**Аннотация:** В статье представлены, что глобальное изменение климата и деградация природных ландшафтов привели к резкому сокращению генофонда домашних животных и порода скота во всем мире и полному исчезновению некоторых пород, а также снижению генофонда и продуктивности каракульских овец, понижают качества каракульских шкурок.

**Ключевые слова:** генофонд, молекулярно-генетический, бренд, оригинал, морфо-биологический, линия, кросс, пигмент, гомогенный, гетерогенный, заводские типы.

**Annotation:** The article shows that global climate change and natural landscape degradation have led to a sharp decline in the gene pool of domestic and livestock breeds worldwide and the complete extinction of some breeds, as well as a decline in the gene pool and productivity of karakul sheep caused.

**Keywords:** gene pool, molecular-genetic, brand, original, morpho-biological, line, cross, pigment, gomogeneous, geterogeneous, plant type, grading.

Бугунги кунда дунёда иқлим ўзгаришларининг кескинлашуви ва табиий ландшафтларнинг бузилиши тирик мавжудодлар хилма-хиллигининг камайишига шу жумладан, уй ва чорва ҳайвон зотлари генофондининг кескин қисқариши ва айрим зотларининг бутунлай йўқолиб кетишига сабаб бўлмоқда. Шу боис, жаҳонда барча турдаги уй ва чорва ҳайвон зотлари хилма-хиллигини аниқлаш, камайиб ва йўқолиб кетаётган зотлар генофондини сақлаб қолиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланмоқда. Айниқса, халқаро мўйна аукцион бозорида тенгсиз саналган сур, кўк ва қора рангли қимматбаҳо қоракўл терилари етказиб берувчи қўй зотлари генофондини сақлаш ва кўпайтириш долзаблигича қолмоқда.

Бу борада молекуляр-генетик усуллар ёрдамида қимматли ва ноёб қоракўл зотли қўйлар генофондини сақлаш усулларини ишлаб чиқиш, камёб ва йўқолиш арафасида турган зотларини асраб қолиш, кўпайтириш, жаҳон мўйна бозор талаблари асосида қоракўл терилари сифатини яхшилаш ва такомиллаштириш борасида устувор йўналишлардаги илмий-тадқиқотлар олиб борилишини тақозо этади.

Маълумки, мамлакатимиз иқтисодиётида қоракўлчилик халқ хўжалигининг муҳим тармоқлардан бири ҳисобланиб, озиқ-овқат саноатига гўшти, сут, енгил ва чарм саноатига жун ва қўй териси, тибииёт соҳасига қоринча ферменти ҳамда жаҳон халқаро мўйна бозорига ноёб ва антиқа, қимматбаҳо нархларда харид қилинадиган қоракўл терилари етиштириб беради.

Ўзбекистон ўтган асрнинг 70–90 йилларида Марказий Осиёда 20 дан ортиқ давлатларга соф зотли қоракўл зотли қўйлар ҳамда халқаро мўйна бозорига юқори сифатли қоракўл терилари етказиб берувчи йирик экспортёр давлат сифатида дунёга танилиб, “Ўзбекистон Бухоро - қоракўли” брендини қўлга киритиб келган.

Лекин, дунё давлатларида бўлгани сингари мамлакатимизда ҳам кейинги 30 йил давомида турли сабабларга кўра юқори маҳсулдор соф зотли

қоракўл қўйлари генофонди, насл салоҳияти ва маҳсулдорлиги кескин камайиши баробарида, ташқи бозорлар учун етиштирилаётган қоракўл терилари сифати жаҳон стандарти талабларига жавоб берасдан қолмоқда [4.]

Шу боис, Ҳукуматимиз томонидан кейинги тўрт йил давомида мамлакатимизда қоракўлчилик тармоғини тубдан ислоҳ қилиш, соҳани тиклаш ва ривожлантириш борасида аниқ ва комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> «...наслчиликни ривожлантириш, наслчиликда илмий-тадқиқот ишларини жорий этиш; чорвачиликнинг озуқа базасини яратиш...» вазифалари белгилаб берилган.[1].

Бинобарин, қоракўл зотли қўйлар ўзига хос қимматли биологик хусусиятига эга бўлиб, кескин ва нокулай об-ҳаво иқлим шароитига чидамлилиги, ўсимлик қоплами сийрак ва қурғоқчилик бўлган йилларда каммаҳсул яйловлардан ўзига зарур кунлик озуқасини топиш ҳамда ёзнинг жазирама иссиқ ва қишининг қаҳратон совуғига бардошлилиги билан ажralиб туради.

Шу боис, мамлакатимизнинг турли хил географик ва экологик худудий иқлим шароитларидан келиб чиқиб, қоракўл зотли қўйлар ҳар бир чўл ва дашт худудларининг ўзига хос шаротларига тўлақонли мослашган ҳолда ўсиб ривожланади ва қимматбаҳо маҳсулот етиштиради. Таъкидлаш жоизки, қоракўл терилари сифати ва унинг қимматли белгилари ўз навбатида қўйлари боқиладиган яйлов худудлари экологик иқлим шароити ва ўт-ўланларнинг хилма-хиллиги, озуқабоплиги, тўйимлилиги ва таркибига бевосита боғлиқдир.

Мамлакатимизда сур рангли қоракўл зотли қўйлар Қаракалпогистон Республикаси, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларининг чўл ва тоғ олди худудларида кўпайтирилиб, етиштирилаётган сур терилари сифати жиҳатидан Бухоро, Қарақалпок ва Сурхондарё сур типларига ажратилади.

---

<sup>1</sup>

Сурхондарё вилоятининг Кумқўрғон тумани, “Боботоғ-сури қоракўлчилик” МЧЖ хўжалигида Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти ва Термиз давлат университетининг тадқиқотчи олимлари ҳамкорлигига олиб борилди.

Айнан Сурхондарё сурининг яратилишга назар ташласак, профессор Н.С.Гигинейшвили томонидан гомоген, яъни ўхшаш белгилари бўйича бир хил жуфтлаш натижалари туфайли вужудга келган. Демак, рангбарангликлар бўйича энг самарали жуфтлаш бу гомоген жуфтлашдир.

Бизнинг тадқиқотларимизда Сурхондарё сур қоракўл зотли қўйларни рангбарангликлар кесимида гомоген жуфлаш орқали рангбарангликларнинг авлоддан - авлодга ирсийланиш натижалари ўрганилди.

#### **1-жадвал.**

#### **Сурхондарё сур қоракўл зотли қўйларни гомоген жуфтлашда сур рангбарангликларнинг наслдан-наслга берилиши хусусиятлари, %**

Жуфтлаш варианти	Ҳисобга олинган қўзилар	Сур қўзилар тери рангбаранглиги				
		платина	янтарь	бронза	антрацит	бошқа
Пл. x Пл.	40	71,6	7,9	7,5	10,0	3,0
Ян. x Ян.	40	14,1	68,5	4,7	12,4	0,3
Бр. x Бр.	40	10,9	13,7	71,5	2,6	1,3
Ан. x Ан.	40	-	3,6	-	92,1	4,3

**Изоҳ:** Пл. - платина, Ян. - янтарь, Бр. - бронза, Ан. - антрацит.

Жадвал маълумотларидан таъкидланадики, платина сур қўчкорлар билан платина сур совлиқлар гомоген жуфтлаштирилганда наслида платина сур қўзилар 71,6% ва 28,4% бошқа сур, янтарь билан янтарь сур қўйларни жуфтлаштирилганда янтарь сур 68,5% ва 31,5% бошқа сур, бронза билан бронза вариантида бронза сур-71,5% ва 28,5% бошқа сур, антрацит сур

қўйлар гомоген жуфтлаштирганида антрацит сур - 92,1% ва 7,9% - бошқа сур рангли қўзилар олинди.

**Хуноса.** Сурхондарё сур қоракўл зотли қўйларни гомоген жуфтлаштириш ўз навбатида ота-она жуфтликларидағи қимматбаҳо сур рангбарангликларининг наслдан-наслга ўтишини ва авлодларида мустаҳкамланиб боришини таъминлаши баробарида, унинг ирсийланиш коэффицентини оширади ҳамда камайиб бораётган ва йўқолиш арафасида турган ноёб ва антиқа рангбарангликларни тиклаш, сақлаш ва юқори маҳсулдор сур қўйлар генофондини кўпайтириш имкониятини яратади.

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

2. Ўзбекистон Республика Президентининг 2019 йил 16 августдаги “Қоракўлчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4420-сонли Қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

3. Ўзбекистон Республика Президентининг 2020 йил 2 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида Пиллачилик ва қорақўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6059-сонли Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

4. Арипов У.Х., Алиев Д.Д., Омонов М.И., Нарзуллаев Х. Методические рекомендации по сохранению генофонда каракульских овец Сурхандарьинского сура. Самарканд.: 2017, 28 б.

5. Гигинейшвили Н.С. Успехи и задачи цветного каракулеводства //Журнал Каракулеводство. Ташкент, 1979. –Вып. X1. – С. 35-36.

6. Омонов М.И. Проблема сохранения и использования генофонда овец каракульской породы // Журнал. Актуальные проблемы современной науки., Москва, 2019. –№ 4 (107). –С. 192–194.

7. Омонов М.И. Изучение взаимосвязь между смушковой и шерстной продуктивностью каракульских овец // Актуальные научные исследования в современном мире: VIII Международный журнал. - Украина, 2015. -№ 8. - Часть- 6. -С. 414 - 421.